

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019.К.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУСТАМОВ САНЖАР АШИРАЛИЕВИЧ

**ГЛИЦИРРИЗИН КИСЛОТАСИНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛ
ҲОСИЛАЛАРИ СИНТЕЗИ ВА УЛАРНИ СИНФЛАШ**

**02.00.09 – Товарлар кимёси
02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рустамов Санжар Аширалиевич

Глицирризин кислотасининг биологик фаол ҳосилалари синтези ва уларни синфлаш 3

.....

Рустамов Санжар Аширалиевич

Синтез биологически активных производных глицирризиновой кислоты и их классификация 21

.....

Rustamov Sanzhar Ashiralievich

Synthesis of biologically active derivatives of glycyrrhizic acid and their classification 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 42

List of published works.....

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019.К.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУСТАМОВ САНЖАР АШИРАЛИЕВИЧ

**ГЛИЦИРРИЗИН КИСЛОТАСИНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛ
ҲОСИЛАЛАРИ СИНТЕЗИ ВА УЛАРНИ СИНФЛАШ**

**02.00.09 – Товарлар кимёси
02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/К130 рақам
билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар: **Асқаров Иброҳим Раҳмонович**
кимё фанлари доктори, профессор
Исаев Юсуп Тожимаматович
кимё фанлар номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: **Исақов Хаятулла**
Техника фанлар доктори, доцент
Дехқонов Раҳматилло Султонович
кимё фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Наманган давлат университети**

Диссертация химояси Фарғона давлат университети хузуридаги PhD. 03/30.12.2019.К.05.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “30” декабр соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч. 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс : (99873) 244 44 91)

Диссертацияси билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч., 19. Тел.: (99873) 244-44-02, факс :(99873) 244 44 91 e-mail: alijon.ibragimov.48@mail.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил “18” декабр куни тарқатилди.
(2020 йил “18” декабрдаги _____ рақамли реестр баённомаси.)



В.У.Хўжаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, к.ф.д., профессор

М.Нишонов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тех.ф.н., профессор

Ш.В.Абдуллаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли сонининг юқори суръатларда ортиши билан ўсимликлар, ҳайвонлар организмидан ажратиб олинадиган маҳсулотларига бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормокда. Бу эса ўсимликларни ўсиши ва ривожланишини тезлатувчи ҳамда ҳосилдорликни оширувчи биологик фаол моддаларни яратиш ва уларни қишлоқ хўжалиги соҳасига тадбиқ этишни тақозо қилмокда. Шунга кўра, янги турдаги биологик фаол модда манбаларини аниқлаш, аналогларини синтез қилиш ва амалиётга тадбиқ этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Жаҳоннинг кўплаб тадқиқот марказларида ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши, ҳосилдорлигини ошишига ижобий таъсир этувчи янги турдаги биостимуляторларни синтез қилишга алоҳида эътибор қаратилмокда. Бу эса хоссалари жиҳатидан бошқа препаратлардан устун турадиган, экологик тоза биологик фаол моддаларни синтез қилишни талаб этади. Шунга кўра, глицирризин кислотаси (ГК) ва унинг моноаммонийли тузи (ГКМАТ) асосида мочевина ҳосилалари, аминофеноллар, сульфаниламид препаратлар билан супрамолекуляр комплекслар олиш, олинган супрамолекуляр комплекслар орасидан фунгицид, бактерицид, антиоксидант, биостимулятор хоссаларига эга бўлганларини танлаб, уларга халқаро товар кодларини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган, биологик фаол моддалар синтез қилишда янги инновациялар жорий қилиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмокда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда қишлоқ хўжалигига интенсив усулларни тадбиқ этиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий хом-ашёлардан фойдаланиб Республикамиз ҳудудида ҳам ўсувчи *Fabaceae* оиласига мансуб силлиқ ширинмия илдизи таркибидан глицирризин кислотасини ажратиб олиш, унинг асосида янги биологик фаол моддалар синтез қилиш, кимёвий таркиби бўйича тегишли синфларга ажратишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада риволантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, №6, 70-модда.

чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 27 январдаги 63-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Глицирринин кислотаси ва унинг ҳосилалари синтези соҳасида кўплаб олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Жумладан, Россияда И.А.Муравьев, В.Д.Пономарёв, А.Г.Толстиков, Р.М.Кондратенко, Л.А.Балтина, С.Р.Мустафина, А.Ф.Исмаилова, С.Ф.Зарудий, В.А.Давидова, Г.В.Базекин, Г.Ф.Сулейманова, Л.А.Яковишин, В.И.Гришковец, Е.Н.Коржлар томонидан глицирринин кислотаси ва унинг биологик фаол ҳосилаларини синтез қилиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Республикада ўзбек кимёгар олимлари ҳам ширинмия ўсимлиги таркибидан глицирринин кислотасини ажратиб олиш ва уларни айрим биологик фаол ҳосилаларини синтез қилишга доир илмий изланишлар олиб борганлар. Жумладан, к.ф.д. профессорлар И.Р.Аскарлов, Д.Н.Долимов, к.ф.д. М.Б.Ғафуров, А.Д.Матчанов, доцент Ю.Т.Исаевлар томонидан глицирринин кислотаси (ГК) ва унинг моноаммонийли тузи (ГКМАТ) асосида бир қатор биологик фаол моддалар билан супрамолекуляр комплекслари, глицирринин кислотасининг биоген металллар билан комплекс бирикмалари олинган, янги бирикмаларнинг биологик фаоллиги ўрганилган.

ГК ва ГКМАТни биологик фаол бирикмалар билан супрамолекуляр комплекслари олинганлиги ҳақидаги маълумотлар илмий адабиётларда келтирилган, лекин таркибида мочевина, тиомочевина, биурет, аминофеноллар каби аминотурух тутувчи биологик фаол органик бирикмалар, сульфазин, сульфациридазин, норсульфазол каби сульфаниламид препаратлар билан супрамолекуляр бирикмалар синтези амалга оширилмаган ва улар кимёвий таркиби бўйича синфланмаган. Шунинг учун таркибида ГК ва сульфаниламид препаратлар сақловчи бирикмалар синтез қилиш, таркиби ва тузилишини аниқлаш, биологик фаоллигини ўрганиш, кимёвий таркиби асосида ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича тегишли код рақамлари бериш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Физиологик фаол моддалар синтези ва уларни амалиётга жорий этиш” илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади глицирринин кислотаси ва унинг моноаммонийли тузи асосида таркибида мочевина ҳосилалари,

аминофеноллар, айрим сульфаниламид препаратлар тутувчи супрамолекуляр бирикмалар синтез қилиш, улардан фунгицид, антиоксидант ва биостимулятор хоссасига эга бўлганларини аниқлаш, кимёвий таркиби асосида халқаро код рақамлари ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли тузи асосида янги, биологик фаол супрамолекуляр бирикмалар синтезини амалга ошириш;

синтез қилинган бирикмаларнинг айрим физикавий хоссалари, таркиби ва тузилишини таҳлил қилиш;

синтез қилинган бирикмалардан биологик фаоллиги юқори бўлганларини аниқлаш;

аниқланган биологик фаол бирикмаларни лаборатория ва дала амалиёти синовларидан ўтказиш;

синтез қилинган бирикмалар учун ТИФ ТН бўйича халқаро товар кодлари ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш учун тавсия этиш;

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқот объекти сифатида глицирризин кислотаси, унинг моноаммонийли тузи, мочевино, тиомочевино, метилолтиомочевино, биурет, *орта-*, *мета* ва *пара-*аминофеноллар ва айрим сульфаниламид препаратлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли тузи асосида биологик фаол моддалар синтез қилиш ва уларни кимёвий таркиби асосида тегишли синфларга ажратиш тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида кимёвий усуллар (экстракция, тозалаш), комплексларни кимёвий тузилишини аниқлашда ЮҚХ ва ЮССХ методлари, УБ-, ва ИҚ-спектроскопия, масс-спектрометрия ҳамда биологик ва фармако-токсикологик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи марта глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли тузи билан мочевино, тиомочевино ва уларнинг ҳосилалари ҳамда аминофеноллар асосида янги биологик фаол бирикмалар синтез қилинган;

илк бор глицирризин кислотасини норсульфазол, сульфазин, сульфасалазин, сульфаметаксозол билан супрамолекуляр комплекслари синтез қилинган;

синтез қилинган супрамолекуляр комплексларининг биологик фаоллиги буғдойнинг униб чиқишини стимуловчи таъсири, айрим патоген микроорганизмлар кўпайишини тўхтатишида, антиоксидант фаоллигини аниқлаш билан исботланган.

глицирризин кислотасининг аминогуруҳ тутувчи ҳосилалари кимёвий таркиби асосида синфланган, ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича 2938 90 300 1 халқаро код рақами ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

глицирризин кислотаси моноаммонийли тузининг мочевина билан олинган супрамолекуляр комплекси асосида буғдой ҳосилдорлигини оширувчи «АРИҚ» биостимулятори яратилган;

таркибида глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузи ва аминогурӯх тутган бирикмалар кимёвий таркиби асосида синфланган ҳамда уларга тегишли код рақами тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синтез қилинган моддаларни юпқа қатламли ва юқори самарали суюқлик хроматография усулларида ажратиб олиниб, УВ- ва ИҚ-спектроскопия ва масс-спектрометрия усуллари ёрдамида ҳамда изомоляр сериялар методи ёрдамида таркиби ва тузилиши аниқланганлиги, уларнинг биостимуляторлик ва фунгицид хоссаларини етакчи илмий-тадқиқот институтлари томонидан тасдиқланганлиги, олинган натижаларнинг бир қатор хорижий ва маҳаллий илмий нашрларда чоп этилганлиги, амалий натижалар ваколатли давлат тузилмалари фаолиятига жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Глицирризин кислотаси ва унинг ҳосилалари асосида биологик фаолликка эга бўлган супрамолекуляр комплекс бирикмалар синтезини амалга ошириш йўллари таклиф этилганлиги, синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари ҳамда биологик фаоллигини тадқиқ этиш тадқиқот натижаларининг илмий аҳамиятини кўрсатади.

Олинган супрамолекуляр комплекслар қишлоқ хўжалиги экинлари учун биостимулятор хоссасига эга эканлиги, янги биологик фаол супрамолекуляр комплекс бирикмаларнинг кимёвий таркиби ўрганилиб, уларга ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича тегишли код рақами берилиши мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш учун хизмат қилиши тадқиқот ишининг амалий аҳамияти ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли тузи асосида синтез қилинган биологик фаол моддаларни тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалардан келиб чиқиб:

Глицирризин кислотасининг аминогурӯх тутувчи ҳосилалари кимёвий таркиби асосида синфланиб ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича 2938 90 300 1 халқаро код рақами ишлаб чиқилган ва давлат божхона амалиётига жорий этиш учун таклиф этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 06 январдаги 1/16-006-сонли маълумотномаси). Натижада, бу глицирризин кислотасининг аминогурӯх тутувчи биологик фаол бирикмаларни кимёвий таркиби бўйича синфлаш имконини берган.

Глицирризин кислотасини моноаммонийли тузи ва мочевина асосида олинган “АРИҚ” биостимуляторини қўллаш технологияси 2018-2019 йиллар давомида Андижон вилоятда жами 50 гектар буғдой майдонларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020

йил 16 декабрдаги 05/032-4390-сонли маълумотномаси). Натижада, бу биостимулятор билан ишлов берилган майдонларнинг ҳар гектаридан қўшимча 6-7 ц ҳосил олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 19 та, жумладан 13 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий мақола чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган Республика илмий нашрларида 5 та мақола ва хорижий журналларда 7 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг хажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, зарурийлиги, мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш устивор йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш асослари келтирилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.


Диссертациянинг **“Глицирризин кислотаси ва унинг тузилиши, глицирризин кислотаси ҳосилаларининг олиниши, уларнинг биологик фаолликлари бўйича замонавий тадқиқотлар (адабиётлар таҳлили)”** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси батафсил таҳлил қилинган, глицирризин кислотаси ва унинг тузилиши, глицирризин кислотасининг ажратиб олиниши, тиббиётда ишлатилиши, глицирризин кислотаси асосида препаратларнинг олиниши, глицирризин кислотаси асосида олинган супромолекуляр бирикмаларнинг биологик фаолликлари бўйича замонавий тадқиқот натижалари келтирилган.

Диссертациянинг **“Глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли тузининг супромолекуляр комплексларини олиш ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссалари”** деб номланган иккинчи бобида глицирризиннинг кислотаси, глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузининг, мочевина, тиомочевина, метилолтиомочевина, биурет, *орта-*, *мета* ва *пара-*аминофеноллар ва сульфаниламид препаратлар билан супромолекуляр

бирикмалар олиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилган изланишлар натижалари келтирилган.

Жумладан, препаратив усулда глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузи (ГКМАТ)нинг тиомочевина билан супрамолекуляр комплекслари олинди. Уларнинг тузилишини аниқлашда УБ ва ИҚ-спектроскопик усулларидадан фойдаланилди. Бунинг учун олинган комплексларнинг спектрлари дастлабки моддаларнинг спектрлари билан қиёсий таҳлил қилинди. Чунончи, супрамолекуляр комплекс бирикмаларнинг УБ-спектрида ГК молекуласи агликон қисмидаги конъюгирланган $>C=O$ га тегишли ютилиш максимумлари 240-245 нмда кўриш мумкин. ГКМАТ нинг УБ-спектрида мазкур гуруҳга хос бўлган ютилиш максимуми 254 нмда намоён бўлади. Бундан келиб чиқадики, супрамолекуляр комплекс бирикмада $>C=O$ нинг $n \rightarrow \pi^*$ электрон ўтиши билан боғлиқ бўлган ютилиш максимуми 9-14 нм га “гипсохром” силжийди.

ГКМАТ нинг ИК-спектрада молекуладаги $-OH$, $-NH$ - гуруҳларининг валент тебраниш частоталари $3500-3204 \text{ см}^{-1}$ соҳада кенг кўринишдаги “полоса”ларни ҳосил қилган, $-CH_3$, $-CH_2$ - гуруҳларнинг валент тебраниш частоталари $2930-2874 \text{ см}^{-1}$ паст интенсивликда намоён бўлган, 1722 см^{-1} да ГКМАТ молекуласидаги карбоксил гуруҳларнинг карбонил қисмига тегишли валент тебраниш частоталари кузатилди. ГКМАТ молекуласининг агликон қисмидаги карбонил гуруҳининг валент тебраниш частотаси 1656 см^{-1} соҳада интенсив ҳолатда намоён бўлган. Молекуладаги карбоксил гуруҳларнинг (COO^-) карбонилларига тегишли валент тебраниш частоталари 1589 см^{-1} да ўртача интенсивлик билан кузатилган бўлса, 1454 см^{-1} да $-CH_3$, $-CH_2$ - гуруҳларининг деформацион тебраниш частоталари ҳосил бўлади. 1387 см^{-1} да ГКМАТ молекуласидаги NH_4^+ ионининг деформацион тебраниши ўртача интенсивликда намоён бўлган. $1166-1041 \text{ см}^{-1}$ соҳаларда молекуладаги $C-O-C$ ҳамда $C-OH$ боғларининг валент тебраниш частоталари кузатилган, 979 см^{-1} да метин ($=CH-$) гуруҳининг деформацион тебраниш частоталари намоён бўлган.



1-расм. ГКМАТ нинг тиомочевина билан олинган супрамолекуляр комплексни 1:1 нисбатдаги ИҚ-спектри

1-жадвал

ГКМАТ нинг мочевина, тиомочевина ва метилолтиомочевина билан супрамолекуляр комплексларининг кўрсаткичлари ($C_{42}H_{61}O_{16}NH_4 \cdot R$)


R	Нисбат	УБ-спектр нм λ_{max} (lgε)	ИҚ-спектр, нм		R_f^*
			-ОН, -NH-	>C=O	
Мочевина	1:1	255 (4,2)	3400-3387	1720-1680	0,68
	2:1	253 (4,1)	3390-3376	1700-1650	0,75
	4:1	253 (4,1)	3390-3350,	1700-1675	0,94
Тиомочевина	1:1	240 (4,2)	3381-3347,	1716-1700	0,53
	2:1	240 (4,3)	33380-3356,	1720-1700	0,67
	4:1	245 (4,2)	3390-3341,	1750-1700	0,70
Метиллол- тиомочевина	1:1	240 (4,1)	3205-2924,	1726-1604	0,53
	2:1	254(4,1)	3360-3340,	1704-1682	0,40
	4:1	253(4,2)	3375-3355,	1700-1650	0,43

*система: сипрт хлороформ 1:1


ГКМАТ нинг тиомочевина билан олинган супрамолекуляр комплекснинг ИҚ-спектрида –ОН ва –NH- гуруҳларга тегишли бўлган ютилиш чизикларининг интенсивлиги камайиши ва 3381 см^{-1} соҳага, сурилганини кўриш мумкин. Бу кўрсаткич дастлабки модда спектрларидан кўрсаткичдан 23 см^{-1} фарқ қилади. Шунингдек, ГКМАТ карбоксилидаги

>C=O нинг деформацион тебранишлари билан боғлиқ бўлган ютилиш чизиқлари 1722 см⁻¹ дан 1712 см⁻¹, яъни 10 см⁻¹ га сурилганлигини кўриш мумкин. Ушбу маълумотлар комплекс -ОН, -NH- ва >C=O гуруҳларнинг ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўлишини кўрсатади.

Супрамолекуляр комплекслардаги компонентларнинг ўзоро боғланиш ва диссоцияланиш табиатини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Олинган супрамолекуляр комплексларнинг тузилиши масс-спектрлар ёрдамида таҳлил қилинди. ГКМАТ нинг тиомочевина билан олинган молекуляр комплекси спектрида мономер, димер, тетрамер ҳолатдаги комплексларнинг ионларига хос бўлган сигналлар мавжуд. Масс-спектрдаги энг юқори интенсивлик 1:1 нисбатдаги супрамолекуляр комплекс тетрамер шаклидаги тегишли. Ушбу модданинг спектрида фрагментланиш маҳсулотларининг сигналларини кўриш мумкин.



2-расм. ГКМАТ нинг тиомочевина билан супрамолекуляр комплексининг масс-спектри



3-расм. ГКМАТни мочевина билан олинган супрамолекуляр комплексининг масс-спектри

2-жадвал.


ГКМАТнинг мочевина, тиомочевина билан олинган супрамолекуляр комплексни масс-спектри

Ион	<i>m/z</i>	Интенсивлик %
ГКМАТ ни Мочевина билан комплекси		
$[2M^{GC}+4M^{TM}-M^{NH_3}+H]^+$	1967,2000	95,0
$[4M^{GC}+4M^{TM}-2M^{NH_3}-4H]^{2+}$	1794,1000	100,0
$[5M^{GC}+5M^{TM}-NH_3+H]^{3+}$	1487,7000	13,2
$[2M^{GC}+M^{GA}+M^{TM}-6H]^+$	1107,0000	52,4
$[2M^{GC}+2M^{TM}+Na+H]^{2+}$	927,1000	35,3
$[M^{GC}+M^{TM}-M^{NH_3}+H]^{3+}$	299,7000	70,0
ГКМАТ ни Тиомочевина билан комплекси		
$[2M^{GC}+H]^+$	1643,1000	21,4
$[3M^{GC}+M^M+H]^{2+}$	1206,2000	7,1
$[M^{GC}+M^M+H]^+$	900,4000	11,4
$[M^{GA}...M^{GC}+M^M+H]^{2+}$	747,5000	92,8


ГКМАТ нинг мочевина билан олинган супрамолекуляр комплекси масс-спектрида димер ҳолатдаги ГКМАТ га хос бўлган ионнинг сигнали,

хамда молекуляр комплексларнинг пиклари мавжуд. Энг юқори интенсивлик 1:1 нисбатдаги комплексга тўғри келиши аниқланди. Сигналларнинг интенсивлиги 13:3:1,6:1 нисбатга тўғри келади. Бундан ташқари спектрда супрамолекуляр комплекснинг фрагментланиши натижасида ҳосил бўлган ионларнинг сигналлари ҳам аниқланди.

Олинган супрамолекуляр комплекслар таркиби изомоляр сериялар методи ёрдамида ўрганилди. Ушбу метод комплекс бирикмаларнинг таркибини аниқлашда қўлланиладиган қулай усуллардан ҳисобланиб, реагентларни ҳосил бўладиган бирикманинг максимал унумига тўғри келадиган изомоляр концентрациялар нисбатини аниқлашга асосланган.



4-расм. $\lambda=254$ нм да изомоляр серияда оптик зичлик ўзгаришини компонентлар нисбатига боғлиқлиги $c(\text{ГКМАТ})=10^{-4}$ М, $c(\text{ТМ})=10^{-4}$ М; $\text{pH}=7,2$



5-расм. Изомоляр серия эритмаларининг эгри чизиклари ($c(\text{ГКМАТ})=10^{-4}$ М ва $c(\text{ТМ})=10^{-4}$ М; $\text{pH}=7,2$)

Эритмаларнинг УБ-спектрофотометр ёрдамида аниқланган оптик зичликларни ўзгаришини компонентлар нисбатига боғлиқлигидан келиб чиқиб мувозанат константаси K қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб топилади:

$$K = \frac{(c_1 \sqrt[3]{\Delta A_2} - c_2 \sqrt[3]{\Delta A_1})(\Delta A_1 \sqrt[3]{\Delta A_2} - \Delta A_2 \sqrt[3]{\Delta A_1})^2}{4(\Delta A_1 c_1 - \Delta A_2 c_2)^3}, \quad (2)$$

5-расмдаги графикдан кўриш мумкинки, оптик зичликларни ўзгаришларини ифодаловчи эгри чизикқа ўтказилган уринмаларнинг кесишув нуқтаси 235 нм тўғри келади.

Умумий ҳолатда мувозанат константасини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$K = \frac{[\text{ГКМАТ} - \text{ТМ}]}{[\text{ГКМАТ}][\text{ТМ}]}$$

K нинг қийматидан фойдаланиб ҳосил бўлган комплекснинг ҳосил бўлиш Гиббс эркин энергиясинининг ўзгариши ΔG аниқланади. Ушбу кўрсаткич олинган комплекснинг қанчалик барқарор эканлигидан далолат беради. Худди шу йўл билан ГКМАТнинг мочевина, биурет, метилолтиомочевина, Норсульфазол Na, Сульфациридазин Na, сульфазин,


амигдалин билан олинган супрамолекуляр комплексларнинг таркиби ўрганилди, олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Олинган супрамолекуляр комплексларнинг айрим кўрсаткичлари
($C_{42}H_{61}O_{16}NH_4 \cdot R$)


R	Кесишув нуктаси нм	Барқарорлик константаси М	ΔG кЖ/моль
Тиомочевина	235	$8,35 \cdot 10^6$	$-3,97 \cdot 10^{-4}$
Мочевина	296	$3,4 \cdot 10^4$	$-2,8 \cdot 10^5$
метилолтиомочевина	250	$7,2 \cdot 10^5$	$-3,3 \cdot 10^4$
Биурет	290	$1,5 \cdot 10^4$	$-3,8 \cdot 10^5$
Норсульфазол Na	240	$3,2 \cdot 10^5$	$-31,8 \cdot 10^{-4}$
Сульфазин	310	$4,5 \cdot 10^{-6}$	$-3,2 \cdot 10^{-5}$
Амигдалин	216	$29,3 \cdot 10^3$	-25741,9

Ўтказилган физик-кимёвий тадқиқотлар натижаларига кўра, олинган супрамолекуляр комплекснинг тузилиши қуйидагича кўринишга эга.




Олинган супрамолекуляр комплекслар таркиби ЮССХ методи ёрдамида ҳам таҳлил қилинди.

4-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, ЮССХ таҳлил спектрал маълумотларга тўғри келади. Шундай қилиб, ЮССХ методини ГКМАТ нинг молекуляр комплекслари таркибини сифат ва миқдорий жиҳатдан аниқлаш учун қўллаш мумкин.



6-расм. Тиомочевина стандарт намуна эритмасининг хроматограммаси



7-расм. ГКМАТ нинг тиомочевина билан олинган супрамолекуляр комплекси ишчи эритмасининг хроматограммаси

4-жадвал

ЮССХ методи бўйича аниқланган сифат ва миқдорий таркиби

Назарий % масса улуши		Амалий % масса улуши		Ушланиш вақти (мин)
ГКМАТ	Тиомочевина	ГКМАТ	Тиомочевина	
91,7	8,3	90,8	8,2	7,529
	Мочевина		Мочевина	7,423
93	7	92,2	6,8	
	Амигдалин		Амигдалин	7,546
64,7	35,2	63,4	34,6	
	Норсульфазол Na		Норсульфазол Na	
75,3	25,6	73,4	24,7	7,509
	Сульфациридазин Na		Сульфациридазин Na	
75	25	74,2	24,6	7,527

Диссертациянинг “Глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли тузи билан олинган супрамолекуляр комплексларининг биологик фаолликлари” деб номланган учинчи бобида глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли тузи билан олинган супрамолекуляр комплексларни микроорганизмларга қарши антагонистик фаоллиги, антибиотик потенциалли, *in vitro* шароитида антиоксидант фаоллиги, ГКМАТ нинг мочевина билан олинган комплекс бирикмаси асосидаги “АРИҚ” биостимуляторини буғдой донини бўртиши ва ҳосилдорлигига таъсири, ҳамда ГКМАТнинг мочевина ва тиомочевина билан олинган супрамолекуляр комплексларни фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган.

ГКМАТ нинг мочевина ва тиомочевина билан олинган супрамолекуляр комплексларининг биологик фаоллиги ЎЗР ФА Биоорганик кимё институтининг «Фармакология» лабораториясида, микроблар ва замбуруғларга қарши фаоллиги ЎЗР ФА Микробиология институтининг «Микроб экобиотехнологияси» лабораторияси ходимлари билан

хамкорликда ўрганилди. Супрамолекуляр комплексларнинг микробларга қарши таъсирини аниқлашда объект сифатида *Bacillus subtilis*, *Escherichia coli*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Staphylococcus aureus* турларидан ва *Candida albicans*, *Mucor sp.*, *Monilia sp.*, *Fusarium ocsisporium*, *Alternaria alternaria* замбуруғлардан фойдаланилди. Олинган натижаларга кўра, ГКМАТнинг тиомочевина билан 2:1 нисбатда олинган супрамолекуляр комплекси 15 мг/мл концентрацияда *Escherichia coli*, *Pseudomonas aeruginosa* бактерияларига ҳамда *Candida albicans* ва *Fusarium ocsisporium* замбуруғларига қарши фаолликка эkanлиги аниқланди.

Тадқиқотларимизни кейинги босқичида ГК нинг норсульфазол Na, сульфасалазин, сульфаметоксазол ва сульгин билан олинган молекуляр комплексларини айрим патоген микроорганизмларга ва замбуруғларга қарши фаоллик даражаси ўрганилди. Комплексларнинг микробларга қарши таъсирини аниқлашда бактерияларнинг *Bacillus subtilis*, *Escherichia coli*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Staphylococcus aureus* турларидан ва *Candida albicans*, *Mucor sp.*, *Monilia sp.*, *Fusarium ocsisporium*, *Alternaria alternaria* замбуруғ турларидан фойдаланилди.

ГК:Сульфасалазин супрамолекуляр комплекси сульфасалазин билан қиёсий солиштирилганда супрамолекуляр комплекс таъсирида микроорганизмларни нобуд бўлиши зонаси сезиларли даражада юқорироқ эkanлиги аниқланди. ГКнинг сульфаметоксазол билан олинган супрамолекуляр комплексининг *Bacillus subtilis*, *Escherichia coli*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Staphylococcus aureus* бактерияларини ўсишини тўхтатишида концентрацияси 10 мг/мл бўлган эритманинг биологик фаоллиги юқори эkanлиги аниқланди.

Тадқиқотлар давомида ГКнинг сульгин билан супрамолекуляр комплексини биологик фаоллиги юқоридаги каби концентрацияли эритмаларида текширилди. Текшириш натижасида мазкур комплекс *Bacillus subtilis* вегетатив хужайраларини, шартли патоген бактериялардан *Escherichia coli*, *Pseudomonas aeruginosa* *Staphylococcus aureus*, патоген замбуруғлардан *Fusarium ocsisporium*, *Monilia sp* ва *Fusarium oxysporum* кабиларни ўсишини тўхтатиши аниқланди.

Супрамолекуляр комплексларга қўйиладиган муҳим талаблардан бири, уларнинг юқори даражадаги хавфсизлиги ва кучли ифодаланган специфик фармако-токсикологик фаоллигидир. Супрамолекуляр комплексларни табиати ва бошқа кўрсаткичларининг хавфсизлигига таъсир этишини аниқлаш учун уларнинг ўткир захарлилиги (LD_{50}) ўрганилди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, ГКМАТ мочевина ва тиомочевина билан олинган супрамолекуляр комплексларинг захарлилик даражаси мочевина ва тиомочевинага нисбатан 5 марта камлиги аниқланди.

Олинган супрамолекуляр комплексни *in vitro* шароитида аутооксидланиш методи билан антиоксидантлик фаоллигини ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти ходимлари билан ҳамкорликда ўрганилди.

Бирикмаларни антиоксидантлик фаоллиги адреналиннинг *in vitro* шароитида аутооксидланиш реакциясининг ингибирлаши ҳамда кислороднинг эркин шаклини ҳосил бўлишига тўсқинлик қилиши билан аниқланди. Метод адреналиннинг аутооксидланиш реакциясининг ингибирланишига асосланган бўлиб, препаратларнинг *in vitro* шароитида адреналинни вақт давомида ҳосил бўлиши ва аутооксидланиши ҳисобига (%) фоизларда ифодаланади.

Олинган супрамолекуляр комплексининг антиоксидант фаоллиги адреналиннинг аутооксидланишини ингибирланишига кўра фоизларда ифодаланади ва қуйидаги формула билан ҳисобланади.

$$AA\% = \frac{D_1 \cdot D_2 \times 100}{D_1}$$

Бу жойда;

D_1 -буферга қўшилган адреналин гидрохлорид эритмасининг оптик зичлиги;

D_2 -буферга қўшилган тадқиқ қилинаётган экстрактнинг ва адреналин гидрохлориднинг оптик зичлиги.

Жумладан ГКМАТ нинг тиомочевина билан супрамолекуляр комплекснинг антиоксидантлик фаоллиги стандарт антиоксидантлар кверцетин ва гликлазидларнинг фаоллиги билан қиёсий ўрганилди. Тажрибаларда олинган натижалар ўрганилган бирикманинг антиоксидант фаоллиги стандарт моддалар фаолликларидан қолишмаслиги аниқланди.

Бундан ташқари, ГКМАТнинг мочевина ва тиомочевина билан олинган супрамолекуляр комплексларини антибиотик потенциали ҳамда биостимуляторлик фаоллиги ГулДУнинг ”Экспериментал биология” лабораторияси ходимлари билан ҳамкорликда ўрганилди.

5-жадвал

Текширилаётган моддаларнинг айрим патоген замбуруғларнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири

№	Патоген замбуруғлар номи	Препаратларнинг фунгицидлик ва фунгистатик зонаси мм			
		назорат	ГКМАТ:М	назорат	ГКМАТ:ТМ
1	<i>F. culmorum</i>	21,6**	9,4*	14,6**	26,7*
2	<i>F. graminearum</i>	15,4*	4,4**	-	12,5**
3	<i>F. oxysporum</i>	-	8,4*	-	11,5*
4	<i>F. poae</i>	-	-	-	06,2**
5	<i>F. solani</i>	35,4*	10,7*	24,7**	27,8**

М-Мочевина, ТМ-Тиомочевина, Назорат- бисептол

Изоҳ: « - » замбуруғ ўсиш зонасига таъсири кузатилмади

ГКМАТнинг мочевина ва тиомочевина билан олинган супрамолекуляр комплексларини антибиотик потенциалини аниқлашда тажрибалар *Fusarium culmorum*, *Fusarium graminearum*, *Fusarium oxysporum*, *Fusarium poae*, *Fusarium solani* замбуруғларининг тест-култураларидан, фойдаланган ҳолда ўтказилди. Ўтказилган тажрибаларнинг натижалари 5-жадвалда келтирилган.

ГКМАТнинг мочевина билан олинган супрамолекуляр комплекси асосидаги биостимулятори (АРИҚ) нинг буғдой донининг бўртишига таъсири лаборатория шароитида ўрганилди.

б-жадвал

“АРИҚ” биостимуляторини буғдой донини униб чиқишига таъсири

№	Вариантлар %	Бўртиш- дан олдин дон массаси, г	Бўртиш жараёнида дон оғирлиги, мг			Бўртиш учун сарфлан- ган сув микдори, г	Бўртиш учун сарфланган сувнинг дон оғирлигига нисбати
			24 соатда	48 соатда	72соатда		
1	Назорат П4	0,45±0.01	0,63±0.02	0,89±0.02	1,09±0.03	0,63±0.02	1,39±0.04
2	АРИҚ 10 ⁻⁴	0,45±0.01	0,71±0.03	0,84±0.03	1,03±0.05	0,56±0.04	1,25±0.07
3	АРИҚ 10 ⁻⁵	0,43±0.01	0,78±0.04	0,85±0.02	1,04±0.04	0,60±0.03	1,37±0.07
4	АРИҚ 10 ⁻⁶	0,44±0.01	0,94±0.02	0,88±0.02	1,03±0.03	0,58±0.02	1,30±0.05
5	АРИҚ 10 ⁻⁷	0,45±0.01	0,76±0.07	0,85±0.03	1,10±0.04	0,64±0.04	1,42±0.06
6	АРИҚ 10 ⁻⁸	0,45±0.01	0,65±0.02	±,84±0.02	1,03±0.05	0,57±0.05	1,26±0.10
7	ГКМАТ 10 ⁻⁴	0,46±0.01	0,83±0.02	0,89±0.02	1,09±0.03	0,63±0.02	1,36±0.03
8	ГКМАТ10 ⁻⁵	0,44±0.01	0,71±0.05	0,85±0.03	1,04±0.05	0,60±0.04	1,35±0.08
9	ГКМАТ10 ⁻⁶	0,44±0.01	0,76±0.03	1,05±0.03	1,17±0.11	0,72±0.10	1,30±0.18
10	ГКМАТ 10 ⁻⁷	0,44±0.01	0,77±0.02	1,06±0.02	1,12±0.02	0,68±0.02	1,34±0.04
11	ГКМАТ 10 ⁻⁸	0,45±0.01	0,80±0.02	0,89±0.01	0,91±0.02	0,46±0.02	1,03±0.06

АРИҚ биостимуляторининг 10⁻⁷ % концентрацияли эритмаси таъсири назоратдан сезиларли устунлик килди. Бошқа вариантларда бўртиш жараёни секинлашди.

АРИҚ биостимуляторининг биостимулятор фаоллиги дала амалиётида 2018-2019 йилларда Андижон вилояти Марҳамат тумани “Хўжаариклик паҳлавон” ҳамда Андижон туманда жойлашган “Муродулло даласи” фермер хўжаликларининг жами 10 гектар буғдой майдонларида экилаётган “Андижон-4” ҳамда “Таня” буғдой навларида синовдан ўтказилди.

Буғдой донлари экишдан олдин “АРИҚ” биостимулятори билан ишлов берилди. Бир вақнинг ўзида назорат учун сув билан ивигилган буғдой донлари экилди. Тажрибада буғдой донларини униб чиқиши, тупланиш фазаси, найчалаш фазаси, буқоқлаш, бошоқ чиқариш, мум пишиш, пишиш фазаси, фенологик кузатувлар ўтказилди. Тажрибада буғдой донларини униб чиқиши кузатилганда “АРИҚ” биостимулятори билан экишдан олдин дориланганда 98,0 % униб чиқиб, назоратга нисбатан 3,6 % юқори бўлганлиги аниқланди.

“АРИҚ” биостимулятори билан ишлов берилган вариантда 1-мартга келиб, тупланишлар сони 1 м² да 322 тани ташкил этиб, назоратга нисбатан 4,0 дона кўп бўлганлиги кузатилган. Тажриба якунида буғдой ҳосилдорлиги аниқланганда буғдойни экишдан олдин “АРИҚ” биостимулятори билан дориланган вариантда 90 ц/га, назорат вариантыда 83 ц/га буғдой олинди, яъни назоратга нисбатан 6-7 ц/га кўпроқ ҳосил олишга эришилди.

Диссертациянинг “Глицирризин кислотаси ва унинг ҳосилаларини ТИФ ТН бўйича синфланиши” деб номланган тўртинчи бобида янги синтез қилинган таркибида амина гуруҳ сақловчи глицирризин кислоталари ҳосилаларига тегишли код рақамлари тавсия этилган.

02.00.09 – «Товарлар кимёси» ихтисослиги бўйича товарларнинг кимёвий таркиби, физикавий, кимёвий ва бошқа хоссалари асосида ТИФ ТН бўйича код рақамларини белгилаш ва сертификатлар бериш муаммолари тадқиқ этилади.

ТИФ ТН да глицирризин кислотаси ва унинг ҳосилалари учун фақат битта 293890300 0 код рақами берилган. Ҳозирги пайитда ГКнинг ҳосилалари, ҳамда таркибида ГК тутувчи маҳсулотлар сони ва турлари кўпайгани ҳисобга олинса ушбу маҳсулотлар учун янги товар кодларини ишлаб чиқиш зарур. Тадқиқот ишини олиб бориш давомида таркибида глицирризин кислотаси ҳосилалари сақловчи биологик фаол моддаларни кимёвий таркиби асосида синфлаб, уларга ТИФ ТН бўйича 2938 90 300 1 код рақами тавсия этилди.

Бундан келиб чиқиб тавсия этилган код рақами ГК, ГКМАТ ва уларни таркибида аминогуруҳ сақловчи ҳосилаларини божхона амалиётида маҳсулотларни товар айрибошлаш муносабатларини тартибга солиш имконини беради.

Ўстирувчи моддаларнинг амалда қўлланилаётган ва таклиф этилаётган ТИФ ТН код рақамлари 7-жадвал

Амалда қўлланилаётган ТИФ ТН код рақамлари	
ТИФ ТН коди	Позицияга изоҳ
2938	Табий ёки синтетик гликозидлар, уларнинг тузлари, оддий ва мураккаб эфирлари ва бошқа ҳосилалари
2938 10 000 0	– рутин ва унинг ҳосилалари
2938 90	– бошқалар:
2938 90 100 0	– – тирнокгул гликозидлари
2938 90 300 0	– – глицирризин кислотаси и глицирризинатлар
2938 90 300 1	– – таркибида аминогуруҳ сақловчи бирикмалари
2938 90 900 0	– – бошқалар:

ХУЛОСАЛАР

“Глицирризин кислотасини айрим биологик фаол ҳосилалари синтези ва уларни синфлаш” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар келтирилди:

1. ГК ва ГКМАТ асосида таркибида мочевина ва унинг ҳосилалари, изомер аминофеноллар ва айрим сульфаниламид препаратлар тутувчи 18 та янги супрамолекуляр комплекс синтез қилинди.

2. Синтез қилинган супрамолекуляр комплексларнинг таркиби ҳамда тузилиши УБ-, ИҚ-спектроскопия ва масс-спектрометрия, ЮССХ методларида аниқланди.

3. Синтез қилинган супрамолекуляр комплексларнинг таркиби изомерия сериялар методи бўйича таҳлил қилинганда олинган натижалар спектрал маълумотларга мос келиши кўрсатилди.

4. Олинган супрамолекуляр комплексларнинг бактериостатик ва фунгицидлик фаолликларини ўрганиш натижасида ГКМАТнинг тиомочевина, ГКнинг норсульфазол Na, сульфасалазин, сульфаметоксозол ва сульгин билан олинган супрамолекуляр комплекслари дастлабки моддаларга нисбатан юқори фаолликка эга эканлиги аниқланди.

5. Олинган супрамолекуляр комплексларнинг антиоксидантлик фаоллиги *in vitro* шароитида фитокимёвий текширув ёрдамида кверцитин ва гликлазидга нисбатан ўрганишлар натижасида ГКМАТнинг мочевина, тиомочевина ва амигдалин билан олинган супрамолекуляр комплексларнинг юқори антиоксидантлик фаолликка эга эканлиги маълум бўлди.

6. ГКМАТ асосида олинган “АРИҚ” биостимулятори буғдой патоген микроорганизмлари (*Fusarium culmorum*, *Fusarium graminearum*, *Fusarium oxysporum*, *Fusarium poae*, *Fusarium solani*) га нисбатан 10 мг/мл концентрацияда антагонистик таъсир этиши аниқланди. “АРИҚ” биостимуляторини қўллаш натижасида биостимулятор билан ишлов берилган буғдой майдонлардан гектаридан қўшимча 6-7 ц ҳосил олишга эришилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 16 декабрдаги 05/032-4390-сонли маълумотномаси олинди. Натижада қўшимча ҳосил ҳисобига бир гектар майдондан ўртача 1137500 (бир миллион бир юз ўттиз етти минг беш юз) сўм иқтисодий самарадорликка эришиш мумкинлиги кўрсатилди.

7. Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича глицирризин кислотасининг таркибида аминогуруҳ сақловчи ҳосилаларини кимёвий таркиби асосида синфланиб, улар учун ишлаб чиқилган янги 2938 90 300 1 халқаро товар коди божхона амалиётида қўллаш учун тавсия этилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 06 январдаги 1/16-006-сонли маълумотномаси олинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
PhD. 03/30.12.2019.К.05.01 ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ
АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

РУСТАМОВ САНЖАР АШИРАЛИЕВИЧ

**СИНТЕЗ БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНЫХ ПРОИЗВОДНЫХ
ГЛИЦИРРИЗИНОВОЙ КИСЛОТЫ И ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ**



pdfelement

02.00.09 – Химия товаров

02.00.10-Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.2.PhD/К130

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу (www.fdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научные руководители:

Аскарров Иброхим Рахмонович
доктор химических наук, профессор
Исаев Юсуп Тожимаматович
кандидат химический наук, доцент

Официальные оппоненты:

Исаков Хаятулла
доктор технических наук, доцент
Дехконов Рахматилло Султонович
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация: Наманганском государственный университет.

Защита диссертации состоится “30” декабря 2020 года в 10:00 часов на заседании Научного совета PhD 03/30.12.2019.К.05.01 при Ферганском государственном университете. (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244 44 91)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (регистрационный номер № ____). (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244 44 91), alijon.ibragimov.48@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: “18” “декабря” 2020 года.
(№ реестра протокола рассылки от “_____” 2020 года.)



В.У.Хужаев
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

М.Нишинов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.тех.н., профессор

Ш.В.Абдуллаев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
профессор, д.х.н.

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы исследования. В связи с быстрым ростом мирового населения с каждым днем растет потребность на продукты растительного и животного происхождения. Это в свою очередь требует создания биологически активных веществ, ускоряющих рост и развитие растений, повышающих урожайность и их применения в сельском хозяйстве. Поэтому выявление источников новых видов биологически активных веществ, синтез их аналогов, применение на практике относится к числу актуальных проблем.

Во многих исследовательских центрах мира особое внимание уделяется синтезу биостимуляторов нового типа, положительно влияющих на рост, развитие растений, повышение урожайности. Это, в свою очередь, требует синтеза имеющих определенными преимуществами перед другими препаратами, экологически чистых биологически активных соединений. В связи с этим, получение супрамолекулярного комплекса на основе глицирризиновой кислоты (ГК) и его моноаммониевой соли (МАСГК) с производными мочевины, аминифенолами, сульфаниламидными препаратами, разработка на основе выбранных из супрамолекулярных комплексов соединений с фунгицидными, антиоксидантными, биостимуляторными свойствами соединений международных кодовых знаков и внедрение их в практику имеет важное научное и практическое значение.

В республике осуществляются широкомасштабные меры по внедрению новых инноваций при синтезе биологически активных соединений. Используемых в сельском хозяйстве. На основе программных мер в этом направлении достигнуты определенные результаты. В «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»² обозначены задачи «последовательного развития производства сельско хозяйства, укрепления безопасности продовольствия страны, расширении производства экологически чистых продуктов, а также внедрение интенсивных методов в сфере сельского хозяйства». Исходя из этих задач, проведение научно-исследовательских работ, направленных на основе местного сырья извлечении из корня произрастающего в нашей Республике солодки семейства *Fabaceae* глицирризиновой кислоты, синтеза на его основе биологически активных веществ, разделении их на основе химического состава имеет важное значение.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит для обеспечения выполнения задач, обозначенных в Указе Президента УП-4947 Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года о «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №63 от 27 января 2018 года «О мерах по

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года ПФ-4947 о «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных документов Республики Узбекистан. 2017 год, №6, 70-статья.

развитию выращивания солодки, лекарственных растений и их переработки в промышленном масштабе” и других нормативно-правовых документов.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики VII. “Химические технологии и нанотехнологии”.

Степень изученности проблемы. Над глицирризиновой кислотой и его производными проводили научные исследования многие ученые. В частности, в России И.А.Муравьев, В.Д.Пономарёв, А.Г.Толстикова, Р.М.Кондратенко, Л.А.Балтина, С.Р.Мустафина, А.Ф.Исмагилова, С.Ф.Зарудий, В.А.Давидова, Г.В.Базекин, Г.Ф.Сулейманова, Л.А.Яковишин, В.И.Гришковец, Е.Н.Корж проводили научные исследования по синтезу глицирризиновой кислоты и его производных.

В нашей Республике узбекскими учеными проводились исследования по выделению из солодки глицирризиновой кислоты и синтезу его некоторых биологически активных производных. В частности, д.х.н., профессорами И.Р.Аскарковым, Д.Н.Далимовым, д.х.н., М.Б.Гафуровым, А.Д.Матчановым, доцентом Ю.Т.Исаевым получены на основе глицирризиновой кислоты (ГК) и его моноаммониевой соли (МАСГК) супрамолекулярные комплексы с биологически активными соединениями, ряд комплексных соединений ГК с биогенными металлами, изучена их биологическая активность.

В научной литературе имеются сведения о получении супрамолекулярных комплексов биологически активных веществ с ГК и МАСГК, но синтез по получению супрамолекулярного комплекса с мочевиной, тиомочевиной, содержащими аминогруппу биуретом, аминифенолами, сульфаниламидными препаратами как сульфазин, сульфацилпразин, норсульфазол и классификация их по химическому составу на проводилась. Поэтому важное научно-практическое значение имеет синтез соединений, содержащих в составе ГК и сульфаниламидные препараты, определение их состава и строения, изучение биологической активности разработка кодовых знаков по номенклатуре товаров внешней экономической деятельности (ТН ВЭД) на основании химического состава.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.

Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательского направления “Синтез и внедрение новых физиологически активных веществ” Андижанского государственного университета.

Цель исследования. Целью данной диссертационной работы является синтез на основе глицирризиновой кислоты и его моноаммониевой соли новых супрамолекулярных соединений, содержащих мочевины, тиомочевину, метилоттиомочевину, биурет, аминифенолы, некоторые сульфаниламидные препараты, определение среди них соединений, обладающих фунгицидным,

антиоксидантным и биостимулирующим свойствами, разработка и внедрение в практику международных товарных кодов на основе изучения их химического состава.

Задачи исследования.

